*Адл ила олам юзин обод қил!*

# Куч – адолатда

**2024 йил**
**9 август,**
жума
**№ 39**
(1021)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.kuch-adolatda.sud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи билан Қозоғистон Республикасида бўлиб турибди.***

Остона шаҳридаги Оқўрда қароргоҳида 8 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлиб ўтди.

Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон ва Қозоғистон давлат мадҳиялари янгради. Икки мамлакат етакчилари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Расмий кутиб олиш маросимидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаевнинг тор доирадаги учрашуви бўлиб ўтди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари самимий қабул учун миннатдорлик билдириб, ушбу давлат ташрифи тарихий аҳамиятга эга экани, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга қаратилганини таъкидлади.

Кейинги йилларда товар айирбошлаш ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони беш баробар кўпайди, юк ташиш ҳажми ортмоқда, йирик кооперация лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Ёшлар сиёсати ва ахборот майдонини шакллантириш соҳасида яқин ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги таъкидланди. Бу йўналишда комплекс ҳамкорлик дастурини тайёрлашга келишиб олинди.

Икки мамлакат парламентлари палаталари иштирокида Парламентлараро форум ташкил этилиши қўллаб-қувватланди.

Товар айирбошлаш ҳажмини, энг аввало, ўзаро бозорларни шакллантириш ва учинчи мамлакатлардан импортнинг ўрнини босиш ҳисобига янада оширишга алоҳида эътибор қаратилди.

Шу маънода, ҳукуматларга ой якунига қадар товар айирбошлаш ҳажмини 10 миллиард долларга етказиш бўйича алоҳида дастур қабул қилиш топширилди.

Саноат кооперациясини ривожлантириш мақсадида жорий саммитга қадар умумий қиймати 7 миллиард долларлик янги битим ва шартномалар портфели ишлаб чиқилди.

Улар орасида энергетика, транспорт ва логистика, металлургия, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида, шунингдек, ҳудудлар ўртасидаги лойиҳалар бор.

Сирдарё вилоятида Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилишини жадаллаштириш ва у ерда корхоналарни жойлаштиришга келишиб олинди.

Йирик лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Қўшма инвестиция жамғармасини ташкил этиш масаласи ўрганилади.

Транзит юк ташиш учун қулай шароитларни таъминлаш, қўшма логистика мажмуаларини қуриш, икки мамлакат ўртасида автомобиль ва темир йўл йўналишларини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан ҳам фикр алмашдилар.

Шундан сўнг Оқўрда қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Қозоғистон раҳбари ва халқига самимий қабул учун миннатдорлик билдирди ҳамда бу кун Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлиги тарихида алоҳида аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

— Бугун биз Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказмоқдамиз. Бу мамлакатларимиз ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари ривожида тарихий воқеа ҳисобланади, – деди Шавкат Мирзиёев.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон – Қозоғистон муносабатлари юқори суръатда ривожлангани алоҳида қайд этилди.

Ташриф доирасида Ҳукуматлараро комиссия ва Ишбилармонлар кенгаши йиғилишлари, бизнес форуми, сиёсий маслаҳатлашувлар, таҳлилий марказлар форуми, интеллектуал ўйинлар муваффақиятли ўтказилди. Кино кунлари, кўргазмалар, концертлар ва бошқа кўплаб тадбирлар давом этмоқда.

Икки мамлакат раҳбарлари 2024-2034 йилларга мўлжалланган стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинганини мамнуният билан қайд этдилар. Бу дастур Ўзбекистон – Қозоғистон дўстлик ва яхши қўшничилик муносабатларида янги сифат босқичи бошланганини англатади.

Мажлис давомида давлатимиз раҳбари бир қатор устувор вазифаларни кўрсатиб ўтди.

Аввало, халқаро тузилмалар доирасида позицияларни мувофиқлаштириш ва умумий манфаатларни самарали илгари суриш муҳимлиги таъкидланди.

Мулоқотлар натижадорлигини ошириш, Парламентлараро форумни таъсис этиш, Экспертлар кенгашининг қизғин ишини давом эттириш бўйича келишувга эришилди.

Товар айирбошлаш ҳажмини яқин йилларда 10 миллиард долларга етказиш имкониятлари атрофлича муҳокама қилинди. Шу мақсадда ой охиригача алоҳида дастур қабул қилинади. Бунда бозорларни ўзаро шакллантириш, мавжуд чекловларни бартараф этишга алоҳида эътибор қаратилади.

Мамлакатимиз етакчиси саноат кооперациясининг янги стратегиясини қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Томонлар кеча бўлиб ўтган бизнес форуми ва ишбилармонлик учрашувлари якунлари бўйича 7 миллиард долларлик салмоқли келишувлар имзоланганини ижобий баҳоладилар.

Гап энергетика, логистика, қурилиш, кимё, электротехника, тўқимачилик, агросаноат ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик ҳақида бормоқда.

Халқаро саноат кооперацияси марказини ишга туширишни жадаллаштириш ва истиқболли лойиҳаларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун қўшма жамғарма ташкил этиш масаласини ўрганишга келишиб олинди.

Иқтисодий ҳамкорликнинг ҳақиқий ҳаракатлантирувчи кучи бўлган ҳудудлар ўртасидаги алоқалар стратегик шерикликнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Форумни барча вилоятлар ва марказий шаҳарларни қамраб олган ҳолда Ҳудудлар кенгашига айлантириш ва унинг биринчи йиғилишини кузда Самарқандда ўтказишга қарор қилинди. Ҳукуматларга аниқ келишувларга эришиш учун ҳудудларга ўзаро ташрифлар жадвалини тасдиқлаш топширилди.

Энергетика қувватлари ва инфратузилмасини қуриш, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш бўйича лойиҳаларни биргаликда амалга оширишга тайёрлик билдирилди. Йирик минтақавий лойиҳаларни, энг аввало, Қамбарота ГЭС қурилишини тайёрлаш ишлари жадаллаштирилади.

Транспорт ва транзит соҳасида ишбилармон доираларни жалб этган ҳолда икки мамлакат ўртасида янги транспорт йўлакларини қуриш лойиҳаларини ишлаб чиқишга келишиб олинди. Бундан ташқари, замонавий логистика инфратузилмасини яратиш ишларини кучайтириш муҳимлиги таъкидланди.

Минтақада сувдан фойдаланиш масалаларига ягона ёндашув мавжудлиги қайд этилди. Ишончли ҳуқуқий базани шакллантириш, сув хўжалиги объектларини автоматлаштириш ва рақамлаштириш ишлари давом эттирилади.

Маданият, таълим, ёшлар ва туризм соҳаларидаги алмашинувларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

— Шу кунларда Остонада Ўзбек киноси кунлари, кўргазмалар, фестиваллар, концертлар ўтказилмоқда. "Заковат" интеллектуал ўйини муваффақиятли ўтди. Бундай тадбирлар ёшларимизни янада яқинлаштиради, уларни умумий тарихимиз ва қадриятларимиз билан яқиндан таништиради, — деди давлатимиз раҳбари.

Маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича 2024-2025 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ҳам бунга хизмат қилади.

Томонлар Марказий Осиёда интеграция ва ҳамкорликни чуқурлаштириш тарафдори эканликларини тасдиқлади. Таъкидланганидек, Маслаҳат учрашуви минтақа олдида турган вазифаларни биргаликда ҳал этиш ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган минтақавий кун тартибини ишлаб чиқишнинг самарали механизмига айланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ва бошқа тузилмалар доирасида яқин ва очиқ мулоқотни давом эттиришга тайёрлик билдирилди.

(Давоми 2-бетда) ▶

***Кейинги йилларда мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирлари самарадорлигини ошириш, жумладан, пиротехника буюмлари қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга қаратилган тизимли тадбирлар амалга оширилмоқда.***

*Моҳият*

## ЯНГИ ҚОНУН:




Шу билан бирга, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини, жисмоний ва юридик шахсларнинг мол-мулкини муҳофаза қилиш бўйича чора-тадбирларни янада кучайтириш зарурияти юзага келмоқда. Бу борада ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш чоғида мутаносибликнинг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлаш мақсадида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ маъмурий жавобгарлик чораларини кучайтириш тақозо этилади.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Таҳлил ва таклиф*

## Хусусийлаштирилган УЙ-ЖОЙ МАҚОМИ:




***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хусусий мулкнинг бир қатор шакли ва турлари юзага келди. Хусусан, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш институти амалиётга жорий этилди, давлат мол-мулкини хусусийлаштириш асосида фуқароларнинг мулк ҳуқуқини қўлга киритиш асослари белгиланди.***

Шу ўринда айтиш керакки, давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш борасидаги ҳуқуқий муносабатлар Уй-жой кодекси, “Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш ҳақида”ги қонун ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий хужжатлар билан тартибга солиб келинмоқда.

(Давоми 3-бетда) ▶

*Ҳуқуқий маърифат*

## Алимент тўловчи

### уларнинг чет элга чиқишига оид




***Маълумки, ҳаётда муайян сабабларга кўра, оиласидан қонуний тартибда ажрашган ва фарзандларига алимент тўлаётган шахсларнинг хорижга чиқишига таъқиқ қўйилгани ёки йўқлиги ҳақидаги гап-сўзларни тез-тез эшитиш мумкин. Қуйида айни шу мавзуга оид қонунчилик талаблари ҳақида маълумот берамиз.***

Айтиш керакки, **“Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”**ги қонуннинг 42[1]-моддасига мувофиқ, ҳужжат асосида берилган ижро ҳужжатидаги ёки ижро ҳужжати бўлган суд ҳужжатидаги талаблар белгиланган муддатда қарздор жисмоний шахс томонидан узрсиз сабабларга кўра, ижро этилмаганда, давлат ижрочиси ундирувчининг аризаси бўйича ёки ўз ташаббуси билан қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишини вақтинча чеклаш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

Давлат ижрочисининг қарори катта давлат ижрочиси томонидан тасдиқланади.

Мазкур қарорнинг кўчирма нусхалари қарздор жисмоний шахсга (агар унинг турган жойи маълум бўлса), ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига (бошқармасига) ҳамда Давлат чегарасини қўриқлаш органларига юборилади.

Агар ижро ҳужжати суд ҳужжати бўлмаса ва суд ҳужжати асосида берилмаган бўлса, ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишини вақтинча чеклашни белгилаш тўғрисидаги ариза билан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Давлат ижрочисининг қарори устидан шикоят қилиниши ёки протест келтирилиши мумкин.

(Давоми 3-бетда) ▶



## СУДЬЯЛАР ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛДИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленумининг навбатдан ташқари мажлиси бўлиб ўтди. Унда айрим фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро ва туман (шаҳар) ҳамда туманлараро маъмурий ва иқтисодий судларга илк бор судьялик лавозимига тайинланган судьяларнинг қасамёд қабул қилиш маросими ўтказилди.***

Олий суд раиси Бахтиёр Исломов судьялар сони янги аъзолар билан тўлдирилаётгани судьяларнинг иш юкламаси мақбуллашувига, ўз навбатида, одил судловнинг самарадорлиги ва фуқароларнинг судга бўлган ишончи ортишига олиб келишини қайд этди.

Мажлисда Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 6 ва 7 августдаги қарорларига мувофиқ судьялик лавозимида бўлишнинг биринчи беш йиллик муддатига тайинланган судьяларнинг қасамёди эшитилди.

— Қабул қилган қасамёдингиз мазмун-моҳиятини тўла англаб етиб, унга содиқ бўлишингизга, олдингизга қўйилаётган юксак талабга фаолиятингиз давомида қатъий амал қилишингизга, билдирилган юксак ишончни тўлиқ оқлашингизга ишонамиз, — деди Б.Исломов. — Одил судловни таъминлашда сидқидилдан меҳнат қилиб, адолат қарор топган, фуқаролар ҳуқуқларининг суд ҳимояси кафолатланган Янги Ўзбекистонни барпо этишда ўз ҳиссангизни қўшиб, Ватанимиз ва халқимиз олдидаги фарзандлик бурчингизни виждонан адо этасиз. Билингки, қонунлар фақатгина қоидалар ва моддалардан иборат эмас, қонунлар – одамлар, уларнинг ҳаёти, умидлари ва орзулари ифодаси ҳисобланади. Шу сабабли, ишингизда ва фаолиятингизда инсонийлик муҳимлигини ҳеч қачон унутмаслигингиз лозим. Қонунлар эса қўлингиздаги адолат қуроли бўлиши керак. Президентимизнинг **«Судьянинг онгида адолат, тилида ҳақиқат, дилида эса поклик бўлмоғи лозим»**, деган ҳикматли сўзларини ҳеч қачон эсдан чиқарманг.

Тадбирда иштирок этган судьяларнинг ота-оналари ва яқинлари ҳам ўз тилакларини билдирди.

Қасамёд қабул қилган 53 нафар янги судьяга судьялик гувоҳномалари топширилди.

**Н.АБДУРАИМОВА,**
*ЎзА мухбири*

*Ҳуқуқий ҳимоя*

## Қонуний ва асосли даъво

### судда қаноатлантирилди

***Конституциямизда белгилаб қўйилган бошқарувнинг республика шаклига эга суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат бўлган мамлакатимизда ҳар бир иш қонуний ва асосли бўлиши, ҳеч кимнинг манфаатига зарар етказилмаслиги керак. Акс ҳолда, турли низо ва келишмовчиликлар келиб чиқади. Ўз навбатида, бундай низолар судда қонуний ечимини топади.***

Шу ўринда бевосита ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Алишер Бегмаматов (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Жамила Саидбоева ўзларининг қонуний манфаатлари бузилганидан норози бўлиб, судга даъво аризаси билан мурожаат қилишди.



Маълум бўлишича, Ж.Саидбоева билан Ю.Бегмаматов 1984 йилда қонуний асосда оила қуришган. Оилада 1985 йилда Алишер Бегмаматов туғилган.

Аммо Юнус Бегмаматов оиланинг қадрига етмай Саломат Ғаффорова билан ҳам шаръий никоҳ асосида яшаб келган. Уларнинг турмушидан 1987 йилда Қаландар, 1988 йилда Самандар, 1993 йилда Бекзод, 2001 йилда Элзод туғилган. 2020 йилнинг 15 август куни Юнус Бегмаматов вафот этган.

(Давоми 2-бетда) ▶

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ РИВОЖИДА ТАРИХИЙ ВОҚЕА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев Қосим-Жомарт Тоқаевни Давлатлараро олий кенгашнинг иккинчи мажлисини ўтказиш учун Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф этди.

Ташриф дастури доирасида Остона шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни Қозоғистон Республикасининг "Олтин Қирон" (“Олтин бургут”) ордени билан тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Қардош мамлакатнинг олий давлат мукофотини Ўзбекистон етакчисига Президент Қосим-Жомарт Тоқаев тантанали равишда топширди.

Давлатимиз раҳбари кўп миллатли Ўзбекистон халқи номидан самимий миннатдорлик билдириб, бундай юксак мукофот икки халқнинг кўп асрлик чинакам дўстлик ва яхши қўшничилик ришталарини мустаҳкамлаш бўйича биргаликдаги саъй-ҳаракатларга берилган баҳо, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларини янги тарихий босқич – стратегик шериклик ва иттифоқчилик даражасига олиб чиқиш сари муштарак интилишларнинг эътирофи эканини таъкидлади.

"Олтин Қирон" олий ордени билан давлат арбоблари Қозоғистон билан дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қўшган улкан ҳиссаси учун тақдирланади.

Икки томонлама музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Олмаота шаҳрида Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ҳамда Чирчиқ шаҳрида М. Авезов номидаги Жанубий Қозоғистон давлат университетининг филиалларини тантанали равишда очдилар.

Ўзбек ва қозоқ олийгоҳлари филиалларининг ўзаро очилиши икки қардош мамлакат ўртасидаги кўп қиррали муносабатларнинг жадал ривожланаётганидан яна бир далолат бўлди.

Мазкур таълим муассасаларида талаб юқори бўлган техник йўналишлар бўйича малакали кадрлар тайёрланади.

Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари "Сиань – Хорғос – Олмаота –Сариёғоч – Тошкент" йўналиши бўйича биринчи юк поездининг етиб келишига бағишланган маросимда ҳам иштирок этдилар.

Юк поезди Сиань шаҳридаги Қозоғистон – Хитой терминалидан "Хорғос" қуруқ портига йўл олди. У ерда контейнерлар қайта ортилди ва Қозоғистон темир йўллари бўйлаб "Сариёғоч" станцияси орқали сўнгги манзилга – "Тошкент" станциясига жўнатилди.

Ушбу йўналиш юк ташиш вақтини қисқартириб, савдо ҳажмини оширишга кучли туртки беради.

Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлиси якунида икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Қўшма баёнот ҳамда Давлатлараро олий кенгашнинг 2024-2034 йилларда стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастурини тасдиқлаш ва Ташқи ишлар вазирлари кенгашини тузиш тўғрисидаги қарорларини имзоладилар.

Ташриф доирасида икки томонлама ҳамкорликнинг кенг кўламли масалаларини қамраб олган ҳужжатлар тўплами қабул қилинди. Булар, жумладан:

– Давлат чегараси режими тўғрисидаги ҳукуматлараро битим;

– Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктлари ва халқаро автомобиль қатнови тўғрисидаги ҳукуматлараро битимларга қўшимчалар киритиш тўғрисидаги баённомалар;

– 2024-2025 йилларда маданий-гуманитар ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро тадбирлар режаси;

– Қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

– Иқтисодиёт вазирликлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

– Табиий монополияларни тартибга солиш ва рақобат сиёсати соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги баённомалар;

– Ўзбекистон – Қозоғистон Экспертлар кенгашини таъсис этиш тўғрисида меморандум;

– Ўзбекистон Республикаси Миллатлараро муносабатлар ва дўстлик алоқалари қўмитаси ва Қозоғистон Республикаси Отандастар жамғармаси ўртасида ўзаро англашув тўғрисида битим;

– 2024-2026 йилларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Остона шаҳар ҳокимлиги ўртасида савдо-иқтисодий, инвестициявий ва маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни кенгайтириш бўйича амалий ҳаракатлар режаси.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев бўлиб ўтган музокаралар якунларига изоҳ бердилар.

Ўзбекистон раҳбари биргаликдаги тизимли ва амалий саъй-ҳаракатлар туфайли Ўзбекистон – Қозоғистон ҳамкорлигини иттифоқчилик муносабатларидек энг юқори босқичга олиб чиқишга эришилганини катта мамнуният билан қайд этди.

– Биз кўп қиррали муносабатларимизда янги саҳифа очдик – Давлатлараро олий кенгашнинг биринчи мажлисини ўтказдик. Ушбу формат давлатлараро ҳамкорликнинг энг юқори даражаси ифодаси бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимизнинг яқин алоқалари, уларнинг барча йўналишларда ҳамкорликни мустаҳкамлашга қатъий интилишини яққол намоён этади.

Музокаралар чоғида парламентларнинг икки палатаси иштирокида Парламентлараро форум ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди. Ҳамкорликнинг яна бир янги шакли – Ташқи ишлар вазирлари кенгашини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Савдо, саноат кооперацияси, энергетика, транспорт, қишлоқ ва сув хўжалиги, маданият соҳаларидаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Қўшма баёнот имзоланди ҳамда ҳар томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган 2024-2034 йилларга мўлжалланган Стратегик шериклик ва иттифоқчилик дастури қабул қилинди.

Музокараларда ҳудудлараро алоқаларни фаоллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Етакчилар икки мамлакатнинг барча вилоятларини жалб қилган ҳолда Ҳудудлараро ҳамкорлик форумини Ҳудудлар раҳбарлари кенгашига айлантириш ташаббусини илгари сурдилар.

Ой якунига қадар товар айирбошлаш ҳажмини кескин оширишга қаратилган комплекс дастур қабул қилинади. Томонлар, шунингдек, янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун Халқаро саноат кооперацияси маркази қурилишини тезлаштиришга келишиб олдилар.

Бундан ташқари, устувор йўналишлардаги қўшма лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида Ўзбекистон – Қозоғистон инвестиция фондини ташкил этиш масаласи кўриб чиқилади.

Музокаралар кун тартибидан транспорт ва логистика соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтириш масалалари муҳим ўрин эгаллади. Юк ташиш ҳажмини ошириш учун максимал даражада қулай шарт-шароитларни яратиш, автомобиль ва темир йўлларни қуриш ва модернизация қилишни жадаллаштириш бўйича аниқ чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Яна бир стратегик йўналиш – озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш. Икки мамлакат ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва етказиб бериш бўйича аниқ келишувларга эришилди.

Сувдан фойдаланиш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларида ҳамкорликнинг устувор йўналишлари белгилаб олинди.

Трансчегаравий сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш масалаларида яқин ҳамкорликни давом эттиришга келишиб олинди.

Маданият, ёшлар, туризм, фан, таълим ва спорт соҳаларидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар минтақавий ва халқаро платформалар, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, ШҲТ, МДҲ, Туркий давлатлар ташкилоти, Осиёда ҳамкорлик ва ишонч чоралари бўйича кенгаш, "Марказий Осиё плюс" форматлари доирасидаги ташаббусларни ўзаро қўллаб-қувватлашни давом эттирадилар.

9 август куни Остона шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг навбатдаги Маслаҳат учрашуви иқтисодий интеграция ва бутун минтақанинг жадал ривожланишига кучли суръат бағишлаши алоҳида таъкидланди.

Якунда Шавкат Мирзиёев давлат ташрифи якунлари ва эришилган келишувлар Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасидаги дўстлик ва яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев Остона шаҳрида ўзбек халқининг буюк фарзанди, шоир ва мутафаккир Алишер Навоий ҳайкалини тантанали равишда очдилар.

Давлатимиз раҳбари Қосим-Жомарт Тоқаевнинг Алишер Навоийга ҳайкал ўрнатиш ташаббуси учун самимий миннатдорлик билдириб, Қозоғистон пойтахти марказида муҳташам ёдгорлик бунёд этилгани қозоқ халқининг қардош Ўзбекистонга бўлган чуқур ҳурматининг ёрқин ифодаси эканини таъкидлади.

– Буюк файласуф ва инсонпарвар шоир Алишер Навоийнинг ижодий мероси нафақат ўзбек халқига, балки бутун дунёга тегишли ноёб бойликдир. Навоий асарлари XVI асрдаёқ итальян ва немис тилларига таржима қилинган бўлса, бугунги кунда дунёнинг деярли барча тилларида янграмоқда. Асрлар давомида ҳаётнинг ўзига хос энциклопедияси бўлган унинг ижоди миллионлаб инсонларни ҳайратга солиб, руҳлантириб келмоқда, – деди Ўзбекистон Президенти.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг улкан хизмати шундаки, у ўзбек адабиётининг ва ўзбек адабий тилининг асосчисидир.

Ҳайкали Тошкентнинг марказий майдонларидан бирини безаб турган қозоқ халқининг буюк фарзанди, қозоқ адабиётининг мумтоз намояндаси Абай Қўнонбоев Шарқнинг бошқа буюк шоирлари қатори Алишер Навоийни ҳам ўзининг устози деб билган.

Навоий ва Абай ижоди абадият, дўстлик, муҳаббат ва садоқат шеъриятидир. Уларнинг фалсафий қарашлари миллатнинг маънавий юксалишида бебаҳо манба ҳисобланади.

2020 йилда марҳум қозоқ шоири Несипбек Айтули Алишер Навоийнинг энг муҳим асари – "Хамса"ни қозоқ тилига таржима қилиб, нашр этди ва ушбу китобга сўзбоши шахсан Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев томонидан ёзилди.

– Ишончим комилки, Алишер Навоий ҳайкали икки халқ ўртасидаги дўстлик ва қардошлик ришталарининг яна бир ёрқин рамзига айланади, унинг мероси эса яна кўплаб авлодларни буюк ютуқларга илҳомлантиради, – деди сўзининг якунида Ўзбекистон Президенти.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Остона шаҳрига ташрифи доирасида Марказий Осиё ва Озарбайжон санъат усталарининг "Дўстлик кечаси" тантанали концертида иштирок этди.

Тадбирда Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон, саммитнинг фахрий меҳмони Озарбайжон Президенти Илҳом Алиев ҳам қатнашди.

Фольклор-этнографик ансамбллар ва эстрада санъаткорларининг ранг-баранг чиқишлари, миллий қўшиқ ва рақслар халқларимизнинг муштараклиги ва маданий яқинлигини яққол намоён этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистон Республикасига давлат ташрифи давом этмоқда.

**ЎзА**

● *Парламент фаолияти*

## Қонунчиликдаги янгиликлар

***Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида бир қатор муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди ва депутатлар томонидан қабул қилинди.***

### СТРАТЕГИК РЕЖАЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ СТРАТЕГИК ЭКОЛОГИК БАҲОЛАШДАН ЎТКАЗИЛАДИ



**“Экологик экспертиза ва атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида экологик экспертиза фаолиятида қўлланиладиган янги йўналиш – экологик нормативлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизаси, стратегик режалаштириш лойиҳаларини стратегик экологик баҳолашдан ўтказиш тартиби аниқ белгиланмоқда.

Шу билан бирга, давлат экологик экспертизасини ўтказиш тартиби, давлат экологик экспертизаси объектлари бўйича тегишли ҳужжатлар лойиҳаларини давлат экологик экспертизаси учун тақдим этиш, давлат ва жамоат экологик экспертизасини ўтказишда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, шунингдек, жамоатчилик экологик экспертизасини ҳамда жамоатчилик эшитувини ўтказиш тартибини белгилаш бўйича алоҳида нормаларни киритиш таклиф этилмоқда.

### ИНВЕСТОРЛАРНИ ХАВОТИРГА СОЛУВЧИ ОРТИҚЧА ЧЕКЛОВЛАР БЕКОР ҚИЛИНАДИ



**“Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида инвесторларнинг кафолатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартиби белгиланмоқда. Қолаверса, мамлакатимизда янада қулай инвестиция муҳитини яратиш, инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, амалдаги инвестиция қонунчилигини илғор халқаро стандартлар, жумладан, Жаҳон савдо ташкилоти қоидаларига мослашишга қаратилган нормалар ўз ифодасини топган.

Қонун лойиҳасида инвесторларни энг катта хавотирга солувчи омил ва хатарлар бўйича ечимлар киритилмоқда ҳамда ортиқча чекловлар бекор қилинмоқда. Жумладан, **“Бозорга кириш”** ҳамда инвестиция фаолиятини асоссиз текширишлардан ҳимоялаш кафолатлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари инвестицияларни рағбатлантириш чоралари ва имтиёзлар доираси кенгайтирилмоқда. Хусусан, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонада хорижий инвесторлар улуши бўйича талаб 15 фоиздан 10 фоизгача туширилмоқда.

Инвестиция фаолиятини ҳимоялашнинг қўшимча кафолатлари киритилмоқда. Бунда асосан миллий режимга риоя қилиш ҳамда хорижий инвесторларнинг ердан фойдаланиш имконияти 25 йилдан 49 йилгача узайтирилмоқда. Маҳаллий ва хорижий инвесторларга тенг бўлган имтиёз ва преференциялар тақдим этиш таклиф қилинмоқда.

Шунингдек, инвестициявий низоларни ҳал этиш тартиби халқаро тан олинган стандартлар асосида қайта кўриб чиқилмоқда. Яъни инвесторларнинг халқаро арбитраж институтларига мурожаат қилишига оид чекловларни бекор қилиш назарда тутилмоқда.



### ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ ЯРАТИЛМОҚДА

**“Ўзбекистон Республикасининг Тадбиркорлик кодексини тасдиқлаш тўғрисида”**ги қонун лойиҳасида тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни ягона ҳужжат билан тартибга солиш, давлатнинг тадбиркорлик соҳасига аралашувини камайтириш, шунингдек, тадбиркорлик соҳасида ягона ёндашувни белгилаш назарда тутилмоқда. Бундан ташқари тадбиркорлик субъектлари кичик, ўрта ва йирик тоифаларга ажратилмоқда.

Янги кодексда тадбиркорлик фаолиятини бошлашдан тортиб, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолияти кафолатлари жамланган.

**ПАРЛАМЕНТ АХБОРОТ МАРКАЗИ**

*Ҳуқуқий ҳимоя*

# ҚОНУНИЙ ВА

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шу ўринда судга тақдим этилган даъво аризасига эътибор қаратадиган бўлсак, даъвогар Ж.Саидбоева марҳум эри Ю.Бегматматов билан ўрталаридаги қонуний никоҳ бекор қилинмагани, унинг вафотидан сўнг мерос қолган автомашинага нисбатан Нарпай туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Пирназаров уларни хабардор қилмай туриб, мерос мулкига нисбатан мерос ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома расмийлаштиргани, бунинг оқибатида ўзи ҳамда ўғлининг манфаатлари бузилганини қайд этган.

Шу боис қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани ҳақиқий эмас, деб топишни сўраган.

Иш ҳужжатларида қайд этилишича, Ж.Саидбоева марҳум Ю.Бегматматов билан 1984 йил 23 июль куни қонуний никоҳдан ўтган. Ўрталаридаги турмушларидан 1985 йил 24 март куни туғилган Алишер Бегматматов исм-шарифли фарзанди бор. Марҳум Ю.Бегматматов С.Ғаффорова билан қонуний никоҳдан ўтмасдан яшаб келган, тўрт нафар фарзанди бор. Нарпай тумани Фуқаролик ҳолатлари далолатномалари ёзуви бўлимининг 2020 йил 15 октябрь кунидаги 4-1401-20-00821-сонли ўлим ҳақидаги гувоҳномасида Ю. Бегматматовнинг 2020 йил 15 августда 57 ёшида вафот этгани қайд қилинган.

Марҳумнинг ҳаётлик пайтида 2009 йилда ишлаб чиқарилган, “Lacetti” русумли енгил автомашинаси бўлган. Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси томонидан 2016 йилнинг 17 декабрида Ю.Бегматматовга берилган ААС 6907410-сонли транспорт воситасини қайд этиш гувоҳномаси автомашинанинг унга тегишли эканлигини тасдиқлайди.

Аммо тумандаги хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Пирназаров 2021 йил 5 июнда 202102291000659-сонли реестр рақами билан қайд қилинган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномани рамийлаштирган ва марҳум Ю.Бегматматовга тегишли ана шу автомашинага нисбатан жавобгар Э.Юсупов меросхўр деб топилган.

Бу ўринда қонун талабларига, хусусан, Оила кодексининг 23-моддасига эътибор қаратиш лозим бўлади. Чунки кодекснинг ушбу моддасига мувофиқ, эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари, шунингдек, никоҳ қайд этилгунга қадар бўлажак эр-хотиннинг умумий маблағлари ҳисобига олинган мол-мулклари, агар қонун ёки никоҳ шартномасида бошқача ҳолат кўрсатилмаган бўлса, уларнинг биргаликдаги умумий мулки ҳисобланади. Эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган мол-мулклари жумласига (эр ва хотиннинг умумий мол-мулкига) эр ва хотин ҳар бирининг меҳнат фаолияти, тадбиркорлик фаолияти ва интеллектуал фаолият натижаларидан орттирган даромадлари, улар томонидан олинган пенсиялар, нафақалар, шунингдек, махсус мақсадга мўлжалланмаган бошқа пул тўловлари (моддий ёрдам суммаси, майиб бўлиш ёки саломатлигига бошқача зарар етказиш оқибатида меҳнат қобилиятини йўқотганлик муносабати билан етказилган зарарни қоплаш тарзида тўланган суммалар ва бошқалар) киради. Эр ва хотиннинг умумий даромадлари ҳисобига олинган кўчар ва кўчмас ашёлар, қимматли қоғозлар, пайлари, омонатлари, кредит муассасаларига ёки бошқа тижорат ташкилотларига киритилган капиталдаги улушлари ҳамда эр ва хотиннинг никоҳ давомида орттирган бошқа ҳар қандай мол-мулклари, улар эр ёки хотиндан бирининг номига расмийлаштирилган ёхуд пул маблағлари кимнинг номига ёки эр ва хотиннинг қайси бири томонидан киритилган бўлишидан қатъи назар, улар ҳам умумий мол-мулк ҳисобланади.

Бундан ташқари ушбу кодекснинг 24-моддаси 1-қисмига кўра, эр ва хотин уларнинг биргаликдаги умумий мулки бўлган мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этишда тенг ҳуқуқларга эга.

Шу ўринда кимлар меросхўр деб топилиши ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 1118-моддаси 1-қисмига асосан мерос очилган пайтда ҳаёт бўлган фуқаролар, мерос қолдирувчининг ҳаётлик пайтида ҳомила ҳолида бўлган ва мерос очилгандан кейин тирик туғилган болалари васият ва қонун бўйича меросхўр бўлиши мумкин.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 1135-моддасига кўра, мерос қолдирувчининг болалари (шу жумладан, фарзандликка олинган болалари), эри (хотини) ва ота-онаси (фарзандликка олувчилар) тенг улушларда қонун бўйича биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Мерос қолдирувчининг вафотидан сўнг туғилган болалари ҳам биринчи навбатдаги ворислар жумласига киради.



*Моҳият*

# ЯНГИ ҚОНУН:

## ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ, ФУҚАРОЛАРНИНГ СОҒЛИҒИ ВА МОЛ-МУЛКИНИ МУҲОФАЗА ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Шунинг учун жорий йил январь ойида Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан мамлакатимизда пиротехника воситаларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, олиб кириш, ташиш, сақлаш ва сотиш билан боғлиқ ҳолатлар ўрганилди.

Мамлакатимиз ҳудудига пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб кирилиши асосан ноябрь-декабрь ойларида, яъни янги йил байрами арафасида кескин ортиши ҳаммамизга маълум. Жумладан, 2021-2023 йилларда мамлакатимиз қиймати қарийб 2 миллиард сўмлик 300 мингдан ортиқ пиротехника буюмларини ноқонуний олиб кириш ҳолатлари аниқланган.

Бундан ташқари ушбу давр мобайнида ички ишлар идоралари томонидан ўтказилган тезкор-профилактик тадбир ва рейдлар давомида 42 миллиондан ортиқ пиротехника буюмлари олиб қўйилган.

Масъул вазирлик ва идоралар томонидан амалга оширилаётган аниқ мақсадли тадбирларга қарамасдан, пиротехника воситаларини четдан ноқонуний олиб кириш ҳолатларини тўлиқ бартараф этишнинг имкони бўлмаяпти.

Шу ўринда бу борадаги қонуний асосларга эътибор қаратсак, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 185[1]-моддасида пиротехника буюмларининг қонунга хилоф равишдаги муомаласи билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланган. Шундай бўлса-да, ушбу моддада пиротехника буюмларидан ноқонуний фойдаланиш, хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган жойларда сақлаш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш ёхуд мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш ёки олиб чиқиш ёхуд ўтказиш учун бир хил жарима жазоси белгиланган.

Ҳолбуки, ушбу ҳуқуқбузарликлар турлича оқибатларни келтириб чиқаради. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирлар кутилган натижани бермаётгани кўп жиҳатдан ана шу ҳолат билан боғлиқ.

Кези келганда шуни айтиш керакки, юқоридаги ҳолатлар эътиборга олиниб, ўз вақтида масъул тузилмаларга сенатор сўрови ҳам киритилган. Мазкур сўровга жавобан пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласининг олдини олишга қаратилган ва янада таъсирчан жавобгарлик чоралари белгиланган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, парламентга тақдим этилгани маълум қилинган эди.

**МАСЪУЛ ВАЗИРЛИК ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН АНИҚ МАҚСАДЛИ ТАДБИРЛАРГА ҚАРАМАСДАН, ПИРОТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ЧЕТДАН НОҚОНУНИЙ ОЛИБ КИРИШ ҲОЛАТЛАРИНИ ТЎЛИҚ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ИМКОНИ БЎЛМАЯПТИ.**

Бундан ташқари Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларидан мамлакатимиз чегараларидан ноқонуний тарзда пиротехника воситаларини олиб ўтиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича кўрилаётган чоралар юзасидан маълумотлар ҳам олинди.

Қисқаси, Олий Мажлис Сенатининг эллик тўртинчи ялпи мажлисида сенаторлар томонидан маъқулланган **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи учун жавобгарликни кучайтиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”**ги қонунга асосан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, ушбу кодекснинг **“Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи”** деб номланувчи 185[1]-моддасида ҳуқуқбузарлик белгилари — амалдагисидан фарқли равишда — алоҳида қисмларга ажратилиб, ҳар бир қилмиш учун алоҳида санкциялар белгиланмоқда.

Яъни мазкур модданинг биринчи қисмида пиротехника буюмларидан қонунга хилоф равишда фойдаланганлик учун;

иккинчи қисмида уларни ноқонуний ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик, олиб чиққанлик учун;

учинчи қисмида пиротехника буюмларини ўтказганлик ва мамлакат ҳудудига олиб кирганлик учун жавобгарлик алоҳида ажратилиб, кучайтирилмоқда.

Бундан ташқари **“Ички ишлар органлари тўғрисида”**ги қонунда ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларида ички ишлар органлари томонидан пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига оид ҳолатларни аниқлаш, уларни олиб қўйиш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш вазифалари юклангани боис Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 248-моддасига ҳам қўшимча киритилди. Унда пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласига оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий баённомаларни расмийлаштириш ваколати Миллий гвардия бўлинмалари билан бир қаторда, ички ишлар органларига ҳам берилмоқда.

Хулоса ўрнида айтганда, ушбу қонун мамлакатимизда профилактика чора-тадбирларини кучайтириш ва протехника воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш тизимини янада мустаҳкамлашга қаратилган.

**Толибжон МАДУМАРОВ,**
*Олий Мажлис Сенати Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси ўринбосари*

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Жумладан, Уй-жой кодексининг 32-моддасида хусусийлаштирилган квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва уй-жойнинг хусусийлаштирилишига розилик берган шахслар ҳам уларнинг умумий мулки бўлмиш хусусийлаштирилган квартира ёки уйга нисбатан қонунда белгиланган тартибда тенг ҳуқуқларга эга бўлиши ҳамда тенг мажбуриятларни бажариши белгиланган.

Бундан ташқари хусусийлаштирилган квартирани ёки уйни сотиш, айирбошлаш, ҳадя қилиш ёки ижарага бериш квартира ёки уй мулкдорининг вояга етган оила аъзолари ва квартирани ёки уйни хусусийлаштириш учун розилик берган шахсларнинг розилиги билан амалга оширилади. Уй-жойни хусусийлаштиришга розилик берган шахснинг турар жойдан фойдаланиш ҳуқуқи унинг вафотидан кейин очиладиган мерос таркибига кирмайди. Хусусийлаштирилган уй-жой мулкдорининг вояга етмаган оила аъзолари манфаатларини уларнинг ота-онаси, улар бўлмаган тақдирда васийлик ва ҳомийлик органлари ҳимоя қилади.

Хусусийлаштирилган квартира ёки уйда турар жой мулкдорлари бирга яшай олмаса, суднинг қарорига биноан мулкдорлардан бири кўчирилиб, бошқасининг зиммасига квартира ёки уйнинг тегишли қисми учун кўчирилган мулкдорга суд ишни кўриб чиққан кундаги бозор баҳосида пулини тўлаш ёки унинг умумий мулкдаги улушига мос келадиган бошқа турар жойни сотиб олиб бериш мажбурияти юкланиши мумкин.

**“Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида”**ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, давлат уй-жой фонди таркибидаги уйларда ижара шартномаси асосида турар жойни эгаллаб турган фуқаролар биргаликда яшаб турган барча балоғат ёшидаги оила аъзолари ва турар жой майдонида ҳақи бўлган бошқа шахсларнинг розилиги билан шу турар жойни ушбу қонунда кўзда тутилган шартларда ўз мулки қилиб, шу жумладан, биргаликда ёки улушбай асосида эгалик қилиш учун сотиб олишга ҳақлидир.

Хусусийлаштирилган турар жой эгасининг оила аъзолари ҳамда турар жой майдонига ҳақли бўлиб, уни хусусийлаштиришга розилик берган шахслар шу турар жой майдонидан фойдаланиш ҳуқуқини сақлаб қолади. Хусусийлаштирилган уй-жойни сотиш ёки ижарага бериш уларнинг розилиги билан амалга оширилади.

Юқорида баён этилганлардан кўринадики, турар жойни хусусийлаштиришда розилик берган шахслар ва уй ижарачисининг вояга етмаган оила аъзолари шу мулкка нисбатан умумий мулк иштирокчиси бўлиб қолади. Бироқ бу ҳолат қонунда тўғридан-тўғри белгилаб қўйилмаган. Бошқача айтганда, хусусийлаштирилган турар жойга нисбатан битимлар тузишда хусусийлаштиришга розилик берган шахсларнинг розилиги олиниши билвосита тартибда шартлиги қайд этилган, холос.

Бундан ташқари фуқаролик ҳуқуқининг умумий қоидасида мулк умумий, биргаликдаги ва улушли бўлиши мумкинлиги эътироф этилган бўлса-да, хусусийлаштирилган турар жой қайси тоифага кириши белгиланмаган.

Олий суд Пленумининг 1997 йил 2 майдаги **“Хусусийлаштирилган турар жойларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”**ги қарорида бу борада қуйидагича тушунтириш берилган: **«Давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, хусусийлаштирилган турар жойда уни хусусийлаштирилишига розилик берган уй эгасининг бошқа оила аъзолари яшаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси шу турар жойнинг эгаси ҳисобланади, эгаллаб келинаётган турар жой эса хусусийлаштириш натижасида умумий мулкка айланади. Бу қоида турар жой эгасининг вақтинча бу ерда яшамаётган оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Ижарачи билан бирга яшаётган ва унинг оила аъзоси ёки собиқ оила аъзоси бўлиб ҳисобланган вояга етмаган шахслар ижарага олиш шартномасидан келиб чиқадиган барча ҳуқуқлардан тенг фойдаланиши сабабли улар эгаллаб турган турар жой хусусийлаштирилган тақдирда вояга етган фойдаланувчилар билан тенг равишда шу турар жойга нисбатан умумий эгалик ҳуқуқига эга бўлади.

Турар жой оила аъзоларининг бири томонидан бепул хусусийлаштирилган тақдирда ҳам юқорида кўрсатилган шахслар шу асосларга кўра, умумий мулкнинг тенг ҳуқуқли иштирокчилари бўлиб қолади”.

Таъкидлаш жоизки, Олий суд Пленумининг ушбу қарори норматив-ҳуқуқий хужжатлар тоифасига киритилмаган бўлса-да, у фактик жиҳатдан янги қонун талабини белгилаб берган. Чунки хусусийлаштирилган турар жойларга оид низолар бўйича суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, фуқаролар юқорида қайд этилган асосларга мувофиқ қўлга киритилган мулкни тасарруф қилишда ёки мулк ҳуқуқи универсал-ҳуқуқий ворислик асосида бошқа шахсга ўтаётганида нотариал идоралар турар жойдаги улушлар белгиланмаганини рўкач қилган ҳолда нотариал ҳаракатни амалга оширишни рад этган. Бунинг оқибатида судларга турар жойни хусусийлаштириш натижасида улушли мулк деб топиш ҳақидаги кўплаб даъво аризалари киритилган. Эътиборлиси, судлар ушбу аризаларни кўриб чиқишда аксарият ҳолларда юқорида кўрсатилган Пленум қарори талабларига таянган.

Ушбу чалкашликни бартараф этиш ва ягона суд амалиётини шакллантириш учун қонунчиликка хусусийлаштирилган уй-жойнинг мақомини аниқ белгилайдиган қоидаларни киритиш зарур. Бу қонунчиликдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдириши баробарида хусусийлаштирилган уй-жойларга оид низоларни ҳал этишнинг аниқ механизмини жорий этишга қонуний асос яратади.

**Аброр РАҲМАТОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Учтепа туманлараро суди судьяси*

*Таҳлил ва таклиф*

# Хусусийлаштирилган УЙ-ЖОЙ МАҚОМИ:



## МУАММО ВА ЕЧИМ

◀ **(Бошланиши 1-бетда)**

Қарздор жисмоний шахснинг хорижга чиқишини вақтинча чеклашга асос бўлган ижро ҳужжатининг талаблари амалда ижро этилганда ёхуд у бўйича ижро иши юритиш ушбу қонунда белгиланган асосларга кўра, тугатилганда ёки тамомланганда, давлат ижрочиси кейинги кундан кечиктирмасдан қарздор жисмоний шахсни, ички ишлар органларини ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишини чеклаш олиб ташланганлиги тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алиментлар олдиндан тўланган ёки алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш учун гаров шартномаси тузилган бўлса, давлат ижрочиси тўлов ёки гаров шартномаси тўғрисидаги тегишли ҳужжат олинган куннинг эртасидан кечиктирмасдан манфаатдор шахслар, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларини қарздор жисмоний шахснинг мамлакатимиздан чиқишини чеклаш олиб ташлангани тўғрисида ёзма ёки электрон шаклда хабардор қилади. Бунда гаров қиймати қонунчиликда белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз эллик бараваридан кам бўлмаслиги лозим.

*Ҳуқуқий маърифат*

# АЛИМЕНТ ТЎЛОВЧИ

## УЛАРНИНГ ЧЕТ ЭЛГА ЧИҚИШИГА ОИД ТАҚИҚНИ ОЛИБ ТАШЛАШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, чиқиб кетишга чеклашни олиб ташлаш учун алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қарздор жисмоний шахснинг хорижга чиқишини вақтинча чеклашни таъминлаш юзасидан давлат ижрочилари, ички ишлар органлари ва Давлат чегарасини қўриқлаш органларининг ҳамкорлиги тартиби Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

“Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисида”ги Низом талабига мувофиқ алиментлар олдиндан тўланган ёки бу бўйича гаров шартномаси тузилган бўлса, хорижга чиқишга оид чеклов олиб ташланади.

Шунингдек, қонун талабига кўра, алиментларни олдиндан тўлаш 5 йилдан кам бўлмаган муддатга амалга оширилиши лозим. Болалар вояга етгунигача бўлган давр 5 йилдан кам бўлса, алиментларни олдиндан тўлаш қолган давр учун амалга оширилади. Алиментни тўлашни гаров билан таъминлаш учун судга ариза тақдим қилинади. Гаров қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг 250 бараваридан кам бўлмаслиги лозим. Ҳар қандай мол-мулк (автомобиль, дўкон, уй-жой, квартира) гаров бўлиши мумкин.

Кўриниб турганидек, қонунчилигимизда нафақат болалар манфаати, балки алимент тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳам инобатга олинган. Шундай экан, бу борада қонун талабларига қатъий риоя этилса, ҳеч қандай муаммога ўрин йўқ.

**Ш. МУЛЛАЖОНОВ,**
*Жиззах вилояти суди судьяси*

# АСОСЛИ ДАЪВО

## судда қаноатлантирилди



Шу ўринда юқорида баён этилган низо ҳақида фикр юритадиган бўлсак, Э.Юсупов марҳум отасининг қонуний никоҳида бўлган турмуш ўртоғи ва фарзанди борлигини билса-да, буни нотариусдан яширган.

Олий суд Пленумининг 2011 йил 20 июлдаги **“Судлар томонидан мерос ҳуқуқига оид қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида”**ги қарори 3-бандида Фуқаролик кодексининг 1113-моддасида мерос таркибига мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган кўчар ва кўчмас мулк, ашёлар, шу жумладан, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча мулкий ҳуқуқ ва мажбуриятлар, чунончи, хусусий мулк ҳуқуқи, кредит муассасаларида сақланаётган омонатларга бўлган ҳуқуқ, деҳқон хўжалиги ер участкасига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқи ва бошқалар кириши ҳақида тушунтириш берилган.

Фуқаролик кодексининг 115,116-моддаларига кўра, битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади. Қонунчилик талабларига мувофиқ келмайдиган мазмундаги битим, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот ёки ахлоқ асосларига атайин қарши мақсадда тузилган битим ўз-ўзидан ҳақиқий эмас.

Бинобарин, Э.Юсупов номига нотариус томонидан берилган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳномада Фуқаролик кодексининг 1118, 1135-моддаларида назарда тутилган меросхўрлар меросхўр деб эътироф этилиши керак. Лекин Э.Юсупов меросхўрларни мерос ҳуқуқидан маҳрум этган, қайд қилинган қонун талабларини қўпол равишда бузиб, низоли мерос автомашинани ўз номига давлат рўйхатидан ўтказган ва бошқа фуқарога сотиб юборган.

Суд амалдаги қонунчилик ва Олий суд Пленумининг қарори талабларига таянган ҳолда А. Бегмаматов ва Ж.Саидбоеванинг даъво аризасини қаноатлантириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Ш.Пирназаров томонидан 2021 йил 5 июнь куни 202102291000659-сонли реестр рақами билан қайд қилинган қонун бўйича меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома ҳақиқий эмас, деб топилди. Э.Юсуповдан давлат фойдасига 2 миллион 983 минг 122,4 сўм давлат божи ундирилди.

Шу тариқа ғайриқонуний ҳаракатга барҳам берилди. Қонуний ва асосли даъво судда адолатли ечим топди. Бу ҳар қандай ишда қонунга риоя этиш зарурлигини яна бир бор исботлади.

**Зафар РАВШАНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди раиси*

**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*“Куч - адолатда” мухбири*

*Қонун кўмаги*

# Фарзандлардан УНДИРИЛГАН ТАЪМИНОТ

***Ота-онани эъзозлаш, айниқса, кексалик чоғида уларга ғамхўрлик кўрсатиш халқимиз томонидан юксак қадрият сифатида эътироф этилади. Бу қадрият ўз навбатида, жамиятда эзгулик, аҳил-иноқлик ва инсонпарварлик муҳитининг барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.***

Албатта, ҳаётда фарзандлик бурчини адо этиб, кекса ота-она дуосини олаётган фарзандлар жуда кўп. Афсуски, баъзида ана шу эзгу одатга амал қилмаётган кишилар ҳам учраб туради. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, Каттақўрғон шаҳрида яшовчи Шариф Умрзоқов (исм-шарифлар ўзгартирилган) Эътибор Умрзоқова билан қонуний никоҳдан ўтиб, уч нафар фарзандли бўлган. 2023 йилда эр-хотин ўртасидаги никоҳ қонуний тарзда бекор қилинган. Ш.Умрзоқов сурункали касалликка чалингани сабабли даволаниши учун моддий ёрдамга эҳтиёж туғилади. Аммо фарзандлари ўз ташвишлари билан бўлиб, унга ёрдам беришмайди.

Муҳтожлик туфайли Ш.Умрзоқов вояга етган уч фарзанди – қизи Зулхумор, ўғиллари Аслиддин ва Фахриддиндан қонунда белгиланган тартибда алимент ундириб бериш ҳақида судга даъво аризаси билан мурожаат қилади.

Амалдаги Оила кодексининг 109-моддасига кўра, вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот бериши ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилиши шарт. Бундан ташқари ушбу кодекснинг 110-моддасида вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар ўз ота-онасига ихтиёрий равишда моддий ёрдам беришдан бўйин товласа, таъминот миқдори болаларнинг оилавий ва моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда суднинг ҳал қилув қарорига асосан белгиланиши қайд этилган. Бундай ҳолатда ота-она алимент ундириш ҳақидаги талабни ўз болаларининг бири ёки бир нечтасига нисбатан қўйганидан қатъи назар, суд алимент миқдорини белгилашда вояга етган, меҳнатга лаёқатли болаларнинг барчасини ҳисобга олади.






Суд ана шу қонун талабларига таянган ҳолда З.Умрзоқова, А.Умрзоқов ва Ф.Умрзоқовнинг ҳар биридан даъвогар Ш.Умрзоқовнинг фойдасига меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг ўзгаришига мутаносиб равишда ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг учдан бир қисми миқдорида алимент ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилади.

Хулоса ўрнида айтиш керакки, қонунчиликда ўз ифодасини топган инсонпарварлик тамойиллари ёлғиз, кекса ва ёрдамга муҳтож кишиларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Баён этилган воқеа тафсилоти мамлакатимизда ҳар бир инсон қонун ҳимоясида экани, ҳеч ким эътибордан четда эмаслигидан далолатдир. Зеро, жамиятимизда инсон шаъни улуғ қадрият бўлиб, унинг манфаатлари барча нарсадан устун ҳисобланади.

**Суҳроб ТУРСУНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди судьяси*

*Жиноят ва жазо*




***Маълумки, Жиноят кодексининг "Ўзгалар мулкини талон-торож қилиш" деб номланган X-бобида ўз ифодасини топган қилмишлардан бири товламачилик деб аталади. Аниқроғи, ушбу кодекснинг 165-моддасида товламачилик жинояти учун тайинланадиган жазолар аниқ кўрсатилган.***

Бу ҳақда фикр юритишдан кўзланган мақсад шуки, кейинги пайтларда айнан товламачилик жинояти тез-тез содир этилаётганига гувоҳ бўлиш мумкин. Албатта, бунинг ҳам ўзига хос сабаблари бор. Шу ўринда ҳаётий мисолларга эътибор қаратсак, Учкўприк туманида яшовчи Беҳруз Жуманазаров (исм-шарифлар ўзгартирилган) ҳам айнан шундай қилмишни содир этди.

Аниқроғи, Б.Жуманазаров 2019 йилда Фарғона политехника институтининг "Кимё-технология" факультетига ўқишга киради. Аммо орадан 7 ой ўтгач, бутун дунёда бошланган пандемия туфайли ўқишга боролмай қолади. Карантин жорий этилгани боис дарслар ҳам онлайн режимга ўтказилади. Шу тариқа 1-босқичнинг қолган ойлари ва 2-босқич деярли онлайн тартибда ўқиш билан ўтиб кетади. Фақат 3-босқичга ўтгач, эпидемиологик вазият барқарорлашиб, талабалар яна одатдаги тартибда ўқишга қайтишади.

Ўқув йили бошланган пайтда Б.Жуманазаров ҳам курсдошлари қатори олийгоҳ ётоқхонасига жойлашади. Ётоқхонада у 2-босқич талабаси, Данғара туманида яшовчи Комила Абдураҳимова билан танишади. Орадан кўп вақт ўтмай уларнинг кўнглида бир-бирига нисбатан илиқлик уйғонади. Бора-бора йигит билан қиз бирга дарс қиладиган бўлишади. Улар тез-тез шаҳар айланиб, бирга суратга тушиб, ёшликнинг гўзал дамларини бирга ўтказишади. Бироқ орадан олти ой ўтгач, ошиқ талабанинг асл мақсади ойдинлашади.

Январь ойининг бошларида нимадир бўлади-ю, иккала ёш ўзаро тортишиб қолади. Шу боис йигит қизнинг телефон рақамини "қора рўйхат"га киритиб, кириш қўнғироқларини чеклаб қўяди. Сўнгра К.Абдураҳимовага ўзи билан бирга тушган суратларини "Телеграмм" ижтимоий тармоғи орқали жўнатиб, товламачилик қилади.

– Эртагача икки юз доллар олиб келмасанг, суратларингни "Телеграмм" канали орқали тарқатиб юбораман. Шунда ота-онанг ва қариндошларинг олдида шарманда бўласан, – дея таҳдид қилади Б.Жуманазаров.

– Нега бундай қиляпсиз? Бир маротаба аразлашиб қолганимизга аламингизни оляпсизми? – дейди қиз йиғлаган кўйи.

Лекин сохта ошиқ муросага келмайди ва 200 АҚШ долларини олиб келишни талаб қилади.

Шундан сўнг К.Абдураҳимова Б.Жуманазаровга қонуний чора кўришни сўраб, Қўқон шаҳар ички ишлар бошқармасига ариза билан мурожаат қилади. Ушбу ариза асосида Б.Жуманазаровга нисбатан тезкор тадбир ўтказилади.

Эртаси куни Б.Жуманазаров белгиланган манзилга "Дамас" русумли автомашинада келади. Шу боис қиз автомашинанинг ўрта ўриндиғига чиқиб ўтиради.

– Пулни олиб келдингми?, – ўдағайлайди Б.Жуманазаров қизга.

– Ҳа, мана, – дея К.Абдураҳимова кимёвий ишлов берилган 200 АҚШ долларини ҳайдовчи ёнидаги ўриндиқ устига қўяди.

Шунда ошиқ ниқобидаги товламачининг чеҳраси ёришади. Аммо пулни чўнтагига солаётган вақтда қонун ҳимоячилари томонидан қўлга олинади.

Ушбу ҳолат юзасидан Б.Жуманазаровга нисбатан жиноят иши қўзғатилади. Жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди уни Жиноят кодексининг 165-моддаси 1-қисми билан айбдор деб топиб, қонуний жазо тайинлади.

Қонунчилик талабига кўра, жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига зўрлик ишлатиш, мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан мулкни ёки мулкий ҳуқуқни топширишни, мулкий манфаатлар беришни ёхуд мулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш ёхуд жабрланувчини ўзининг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш товламачилик ҳисобланади. Товламачилик оғир ва ўта оғир жиноятлар тоифасига киради. У қандай усул ва вазиятда содир этилмасин, ҳеч қандай омил билан оқлаб бўлмайди. Шу маънода Б.Жуманазаровнинг жиноий қилмиши бошқалар учун ҳам сабоқ вазифасини ўташи шубҳасиз.

**Қобилжон АБДУЛЛАЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Қўқон шаҳар суди судьяси*

*Қизиқарли ФАКТЛАР*

***Айни кунларда Париж шаҳрида XXXIII ёзги Олимпия ўйинлари қизғин давом этмоқда. Аслида Олимпия ўйинлари тарихи минг йилдан ортиқроқ даврни ўз ичига олади.***

***Қуйида Олимпия ўйинлари ҳақидаги маълумотлар билан таништирамиз.***




## У МАХСУС ҚОНУНЛАР МАЖМУАСИ — ХАРТИЯ АСОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ

Биринчи Олимпия ўйинлари милоддан аввалги 776 йилда бўлиб ўтган. Ўша вақтларда Олимпиада фақат бир кун давом этган. Маълум муддат ўтгач, бу вақт 5 кунга узайтирилган. Ҳар бир кун маълум бир мусобақа учун ажратилган. Дастлабки Олимпия ўйинларида фақатгина югуриш мусобақаси ўтказилган. Аста-секин Олимпия дастурларига тош улоқтириш, кураш, аравачалар пойгаси, узоққа сакраш ва куч синашиш каби янги мусобақалар киритилган. Кейинчалик Олимпия ўйинлари ҳар тўрт йилда ўтказиладиган бўлган. Қадимги юнонлар ўйинлар орасидаги тўрт йиллик муддатни олимпиада деб аташган – бу ўзига хос йилнома ҳисобланган. Қадимги Олимпия ўйинларида ғолибларга лавр гулчамбари ёки зайтун бутоғи топширилган. Замонлар ўтиши билан совринлар ўзгариб, такомиллашиб борган.

Рим императори Феодосий I Олимпия ўйинлари ўтказишни тақиқлаган. Фақат 18 асрга келиб, Олимпиада ўйинларини ўтказиш яна тикланган. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, замонавий Олимпия ўйинларининг тартиб-тамойиллари Олимпия Хартияси билан белгиланади. Унинг асослари 1894 йилда Парижда бўлиб ўтган Халқаро спорт конгрессида маъқулланган. Хартияда Олимпиада ўйинлари ҳаққоний ва тенг ҳуқуқли мусобақаларда бутун дунё ҳаваскор спортчиларини бирлаштириб, мамлакатлар, алоҳида шахсларга нисбатан ирқий, диний ёки сиёсий камситилишга йўл қўйилмаслиги белгиланган. Француз ва жамоат арбоби Пьер де Кубертен таклифига биноан мусобақаларни антик давр қоидаларига кўра, ўтказишга қарор қилинган. Айнан у мусобақаларни бир вилоят ёки мамлакат доирасида эмас, балки Олимпия ўйинларининг халқаро спорт майдонига таъсирини кенгайтиришни таклиф қилган.

Олимпия Хартияси олимпия ҳаракати учун қонунлар мажмуасидир. Унга кўра, ўйинлар ҳар тўрт йилда ўтказилади. Олимпиада ҳисоби 1896 йилдан бошлаб юритиб келинади.

1913 йилда Олимпия ҳаракатининг тимсоли, байроғи, шиори қабул қилинган. Олимпиада ўйинлари тимсоли дунёнинг беш қитъасини англатувчи бирлаштирилган беш ҳалқадир.

Шунингдек, ташкилотчилар ҳар сафар Олимпиаданинг махсус рамзи ва ўйинлар тимсолини яратади. Ушбу рамзлар Олимпиада бўлиб ўтадиган давлатнинг ўзига хослигини акс эттиради. Бундан ташқари ҳар бир Миллий олимпия қўмитаси ўз тимсолига эга бўлиб, бирлаштирилган бешта ҳалқа унинг асосини ташкил этади. Олимпиадага тараддуд кўриш даврида рамз ва тимсоллар эсдалик сифатида сотилади ҳамда ундан олинган даромад ўйинларни ўтказиш учун сарфланади.

Олимпия ҳаракатининг мақсади – спортни инсоннинг ҳар томонлама ривожланишига йўналтириш, у туфайли қўлга киритилган баркамоллик инсон қадр-қимматини сақлаш ҳамда тинчлик ҳукм сурган жамиятни яратишга ёрдам бериши лозим. "Тезроқ, баландроқ, кучлироқ" деб номланган Олимпия шиори замонавий олимпизм йўналишини аниқ ифодалайди. Бу сўзлар француз руҳонийси Анри Дидонга тегишли бўлиб, Пьер де Кубертенга маъқул келган ва унинг таклифи билан олимпия шиорига айланган.

Олимпия байроғи ғояси ҳам Пьер де Кубертенга тегишли. Халқаро Олимпия қўмитаси 1913 йили тасдиқлаган байроқ 1916 йилда ўтказиладиган ўйинларда илк бор кўтарилиши лозим эди. Афсуски, биринчи жаҳон уруши туфайли ўша йили мусобақа ўтказилмаган. Байроқ 1920 йили Антверпенда VII Олимпиада ўйинларида биринчи марта кўтарилган. 1912 йили Пьер де Кубертенда ушбу ажойиб байрамнинг қадимий Ватанида олимпия машъалини ёндириш ва ўйинларнинг бош аренасида олимпия олови ёниб туришини таъминлаш фикри туғилади. 1928 йили Амстердамдаги IX ўйинлар чоғида бу таклиф амалда ўз ифодасини топди.

Хартияга кўра, дастурнинг ҳар бир турида ғолиб ва совриндорларга мос равишда – олтин, кумуш ва бронза медаллари топширилади. Учинчи ўрин учун медаль ҳақиқий бронза, иккинчи ўрин учун кумушдан ясалса, биринчи ўрин учун камида 6 грамм олтин билан қопланган кумуш медаль тақдим этилиши белгилаб қўйилган. Шахсий ва жамоа мусобақаларида биринчидан саккизинчигача ўринни эгаллаган спортчиларга Халқаро Олимпия қўмитаси дипломлари топширилади.

***Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.***

**МУАССИС:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий суди**

**Бош муҳаррир:**
Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бахтиёр ИСЛАМОВ
Робахон МАХМУДОВА
Халилилло ТУРАХУЖАЕВ
Икрам МУСЛИМОВ
Шуҳрат ПОЛВАНОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Азиз АБИДОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
**Манзилимиз: 100097, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, 6-уй, Тел.: 71 273-72-29 E-mail: kuch-adolatda@mail.ru**
Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.
Буюртма: Г-815 Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ.
Сотувда эркин нархда. Адади: 3627
1 2 3 4 5 6 Топшириш вақти: 21.00. Топширилди: 22.40.